

# Қуръон таърифида жаҳолат кўринишларининг даражаси



10:39 / 10.03.2022 1724

1. **«Биз уларни фақат ҳақ ила яратдик, лекин кўплари билмаслар».** (Духон сураси, 39-оят).

Илм ва маърифатга молик эмаслар.

2. **«Албатта, уларнинг қалбларига Аллоҳдан кўра сизлар кўпроқ кўрқинчли туюласизлар. Чунки улар яхши англамайдиган қавмдирлар».** (Ҳашр сураси, 13- оят).

Билдилар, лекин ўша билганларини яхши англамадилар. Фикҳ, яъни яхшилаб англаш: қалб зукколиги ва яхши фаҳм демакдир.

3. **«Улар кар, соқов ва кўрдирлар. Улар ақл ишлатмаслар».** (Бақара сураси, 171-оят).

Билдилар ва англаб тушундилар, лекин билганлари ақлли одамнинг хатти-ҳаракати, сулукига ўзгармади.

**Манба: arabicuz**